

**«Ўзвиносаноат -холдинг» ХК АЖ**  
**акциядорнинг 2014 йил “30” июндаги**  
**қарори билан**  
**“Тасдиқланган”**

**«Ўзвиносаноат-холдинг» ХК АЖ**

**жамиятнинг барча оддий акциялари тегишли бўлган акциядор**  
**тўғрисидаги Низоми .**

**I. Умумий қоида .**

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунига (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) мувофиқ барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилишлари ўтказилмайди . Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни ва жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар шундай акциядор томонидан яқка равишда қабул қилинади ва ёзма равишда расмийлаштирилиши лозим, жамиятнинг имтиёзли акциялари Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонунига мувофиқ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиш ҳоллари бундан мустасно. Бунда ЎзР мазкур Қонунининг акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш тартиби ва муддатлари, чақириғи ва ўтказилишини белгилайдиган 7 боби қоидалари қўлланмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли бўлган қоидалар бундан мустасно .

**II. Акциядорнинг ваколати .**

Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорнинг ваколатига қуйидагилар киради :

жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш ;

жамиятни қайта ташкил қилиш ;

жамиятни тугатиш, тугатувчи (тугатиш комиссияси) ни тайинлаш ва оралиқ ҳамда қатъий тугатиш балансларини тасдиқлаш ;

кузатув кенгаши ва миноритар акциядорлик жамиятлари қўмитасининг миқдорий таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш ;

эълон қилинган акцияларнинг сўнгги миқдорини белгилаш ;

жамиятнинг устав фонди (устав капитали) ни кўпайтириш ;

жамиятнинг устав фонди (устав капитали) ни камайтириш ;

шахсий акцияларни сотиб олиш ;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, жамиятнинг ижро органини ташкил қилиш, бошқарув аъзолари ва бошқарув раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан аввал тўхтатиш ;

жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчи) ни сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан аввал тўхтатиш, ҳамда тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ;

жамиятнинг йиллик ҳисоботи, йиллик бизнес режасини тасдиқлаш ;

жамиятнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш ;

жамиятнинг кузатув кенгаши ҳисоботлари ва тафтиш комиссиясининг уларнинг ваколатига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқариш бўйича қонунчилик томонидан ўрнатилган талаблариги риюя қилиш масалалари бўйича хулосаларини тинглаш ;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга конверсияладиган облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ;

ҳосила қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини сотиб олиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ;

мазкур Қонуннинг 35 моддаси билан кўзда тутилган имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ;

мазкур Қонуннинг 34 моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа ва ташкил қилинган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш ;

акциядорларнинг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш ;

акцияларни бўлиш ва бирлаштириш ;

жамиятнинг ижро органига тўланадиган мукофот ва (ёки) компенсациялар, шунингдек уларнинг сўнгги миқдорларини ўрнатиш ;

акциядор томонидан мазкур Қонуннинг 8 ва 9 бобларида кўзда тутилган ҳоллардаги битимларни амалга ошириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ;

акциядорнинг қарорига кўра жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларига уларнинг ўз вазифаларини бажариши даври учун мукофот тўланиши ва (ёки) кузатув кенгаши аъзолари вазифалари бажарилиши билан боғлиқ бўлган харажатлар компенсацияланиши мумкин ;

қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш .

акциядорнинг ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижро органига берилиши мумкин эмас .

Акциядорнинг ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг кузатув кенгашига берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно :

жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайиши, шунингдек жамиятнинг уставига жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайиши билан боғлиқ бўлган ўзгартишлар ва қўшимчаларни киритиш ;

мазкур Қонуннинг 34 моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа ва ташкил қилинган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш ;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга конверсияладиган облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ;

ҳосила қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини сотиб олиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ;

жамиятнинг ижро органини ташкил қилиш, бошқарув аъзолари ва бошқарув раҳбарини сайлаш (тайинлаш) , уларнинг ваколатларини муддатидан аввал тугатиш ;

жамиятнинг ижро органига тўланадиган мукофот ва компенсацияларнинг миқдорини белгилаш ;

мазкур Қонуннинг 75-моддаси биринчи қисми ўн биринчи хатбошиги мувофиқ жамиятнинг йиллик бизнес режасини тасдиқлаш .

Акциядорнинг ваколатига киритилган барча масалалар бўйича қарорлар акциядорнинг имзоси билан оддий ёзма равишда қабул қилинади .

Акциядорнинг қарорлари акциядорлик жамиятида (архивда) сақланиши лозим .

### **III. Иш юритиш .**

3.1. Иш юритиш, ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, ҳужжатларни тўплаш, контакт шахснинг вазифаларининг бажарилиши акциядор ёки кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган кузатув кенгаши котиби томонидан амалга оширилади .

3.2. Акциядор ёки кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган котиб шунингдек холдинг компанияси кузатув кенгаши ҳам котиби бўлиб, унга қуйидаги вазифалар юклатилади :

- акциядор, кузатув кенгаши аъзолари, ижро органи ва тафтиш комиссияси ўртасида ўзаро боғланишини амалга ошириш учун контакт шахснинг вазифаларини бажариш ;
- акциядор учун ҳужжатларни тайёрлаш;
- акциядорнинг иш юритишини олиб бориш;
- келгусида акциядор томонидан кўриб чиқилиши учун бошқарув ва тафтиш комиссияси мурожаатлари вақтида акциядор ва кузатув кенгаши топшириғига кўра ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш ;
- кузатув кенгаши йиғилишларида котиб вазифаларини бажариш ;
- кузатув кенгаши баёнларини юритиш ;
- кузатув кенгаши йиғилиши ўтказилгандан сўнг 10 кундан кеч бўлмаган муддатда баёнини тузиш ;
- акциядор учун ва кузатув кенгаши йиғилишларини ўтказиш учун ҳужжатларни йиғиш, кузатув кенгаши аъзоларини йиғилишни ўтказиш босқичидаги иш ҳужжатлари билан танишишларини таъминлаш ;
- кузатув кенгаши йиғилишларига ва акциядор учун ҳужжатларни расмийлаштириш, тузиш ва кўпайтиришни таъминлаш ;
- кузатув кенгаши аъзолари, ижро органи раҳбариятига кузатув кенгаши йиғилишлари ва акциядор учун тайёрланган ҳужжатларни тарқатиш .

3.3. Акциядор ёки кузатув кенгаши томонидан тайинланган , кузатув кенгаши котиби вазифаларини ўриндошлик асосида бажараётган котиб ўз вазифаларини бажариш учун кузатув кенгаши ёки акциядор қарори бўйича пул мукофотини олиш ҳуқуқига эга .

### **IV. АКЦИЯДОРНИНГ ҚАРОРИНИ БАЖАРИШ .**

4.1. Акциядорнинг қарорларини бажариш жараёнини назорат қилиш агар акциядорнинг қароридан бошқачаси кўрсатилмаган ва ёзма равишда акс эттирилмаган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

4.2. Акциядорнинг қарорлари кузатув кенгаши, бошқарув, ички аудит, тафтиш комиссияси ва акциядорлик жамиятининг ижро аппарати томонидан бажарилиши мажбурийдир .